*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2013 йил
**16 март**
**№ 21** (12553)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган



# ШАРОИТ ҚУЛАЙ, МАЛАКА ЕТАРЛИ

**Киши саломатлиги ҳар нарсадан устун. Буни айниқса бемор бўлганлар яхши билишади. Инсон манфаатлари устувор мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимига алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Юртимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби вилоятимизда ҳам янги замонавий тиббиёт муассасалари барпо этилди, қишлоқ врачлик пунктлари таъмирланди. Қувонарлиси, уларнинг барчаси энг сўнгги русумдаги ташхис ва даволаш ускуналари билан таъминланган. Тиббиёт муассасаларида ўз касбининг устаси бўлган малакали, тажрибали шифокорлар меҳнат қилиб, беморлар дардига малҳам бўлишмоқда.

Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида ҳам шундай жонкуярлар фаолият юритмоқда.

– Шифохонадаги шарт-шароит, шифокорларнинг билим ва тажрибаси сабаб жарроҳлик операцияси муваффақиятли чиқди, – дейди бемор Имомали Ёқубов. – Аслида чурра касаллиги билан оғриган беморларнинг тўшакка михланиб қолаётганларини эшитиб, бироз чўчигандим. Шукрки, барчаси ортда қолди. Мен сидқидилдан ишлаётган фидойи шифокорларга миннатдорчилик билдираман.

Дарҳақиқат, бу ерда Бахтиёр Диёров, Низом Абдуллаев, Бахтиёр Давлатов каби жарроҳлар борки, уларни беморлар "қўли енгил шифокор" дейишади.

– Бу йил муассасамизга 10 та янги асбоб-ускуналар келтирганимиз катта қулайлик яратмоқда, – деди бош шифокор Бахтиёр Қосимов. – Ахир аниқ ташхис, тўғри муолажа саломатликни кафолатлайди.

Муассаса 165 ўринга мўлжалланган. Келгуси йилда қўшимча қурилишлар режалаштирилмоқда. Ўз навбатида бу кўпроқ беморларга ёрдам кўрсатиш имконини беради.

**СУРАТДА:** навбатдаги жарроҳлик операцияси олдидан шифокорлар муҳокамаси.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

*Тошкент вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ*

## И. РАХМАНОВНИ АНГРЕН ШАҲАР ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 2-моддасига мувофиқ ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

Тошкент вилояти Ангрен шаҳар ҳокими лавозимига Рахманов Ибрагимжон Абсаматович 2013 йил 12 мартдан тайинлансин.

Ушбу қарор Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдаги сессиясига тасдиқ учун киритилсин.

**Вилоят ҳокими Р. ХОЛМАТОВ.**

Тошкент шаҳри, 2013 йил 12 март.

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ АНГРЕН ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

**Халқ депутатлари Ангрен шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди.**

Сессия «Ангрен иссиқлик электр станцияси» акциядорлик жамияти директори бўлиб ишлаб келган Рахманов Ибрагимжон Абсаматовични Ангрен шаҳар ҳокими этиб тасдиқлади.

## «POLITICAL EVENTS» ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА

**Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар хорижий мамлакатлар оммавий ахборот воситаларининг диққат марказида турган мавзулардан бири бўлиб қолмоқда.**

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг якунлари ва 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган маърузасини шарҳлар экан, Ҳиндистонда нашр этиладиган "Political Events" ахборот-таҳлилий журнали мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар натижаси ўлароқ халқ фаровонлиги тобора юксалиб бораётганини алоҳида таъкидлайди.

"Ўзбекистон иқтисодиёти жадал суръатлар билан ўсиб бормоқда, солиқ-бюджет ва ташқи фаолият соҳаларидаги мустаҳкам позиция, банк тизимининг барқарорлиги, давлат қарзининг камлиги ва ташқаридан қарз олишда эҳтиёткорлик билан ёндашиш мамлакатни глобал инқирознинг салбий оқибатларидан ҳимоя қилди", деб ёзади журнал.

"Political Events" нашри ишлаб чиқариш қувватини ошириш, энергияни тежайдиган замонавий технологияларни жорий қилиш, республикамизда электр таъминотининг сифати ва барқарор фаолиятини таъминлаш мақсадида энергетика мажмуасини техникавий ва технологик жиҳатдан янгилашга қаратилаётган катта эътиборга юксак баҳо берган. "Бунинг ёрқин исботи "Навоий иссиқлик электр станцияси"да Япониянинг "Митсубиши" компанияси томонидан ишлаб чиқарилган қуввати 478 мегаваттга тенг буғ-газ қурилмасининг ишга туширилиши бўлди. Мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши бир йилда қўшимча 2,8 миллиард кВт электр энергияни ишлаб чиқариш, шу билан бирга, шартли ёқилғи истеъмолини 1,8 марта қисқартириш ҳамда ҳар йили 400 миллион куб метр ҳажмдаги газни иқтисод қилиш имконини беради", деб ёзади "Political Events".

Мамлакатимизда автомобиль саноати ривожланиши ҳақидаги маълумотларни ўқувчиларга тақдим этар экан, нашр Самарқанд вилоятида Германиянинг дунёга машҳур "MAN" компанияси билан ҳамкорликда йилига уч мингта юк машиналари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган янги мажмуа қурилишининг иккинчи босқичи ўз ниҳоясига етганини маълум қилади.

**"Жаҳон"АА.**

2013 йил – Обод турмуш йили

**Инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратиб бериш истиқлол йилларида Ўзбекистонда амалга ошириб келинаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг асосий мақсадидир. Президентимиз Ислом Каримовнинг қарори билан тасдиқланган "Обод турмуш йили" Давлат дастури ушбу хайрли ишларни нафақат изчил давом эттириш, балки таълим соҳасини сифат жиҳатидан янада юқори босқичга кўтаришга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирларни амалга оширишни кўзда тутади.**

## ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Масалан, Давлат дастурининг тўртинчи бўлимида жисмонан соғлом, маънан етук – баркамол авлодни тарбиялаш, кадрларни касб жиҳатдан ҳозирги замон талаблари даражасида тайёрлаш, таълим сифатини янада ошириш ва такомиллаштириш, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини юксалтиришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилган.

"Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш давомида замон талабларига жавоб берадиган, барча жабҳаларда мамлакатимизни изчил ривожлантиришни таъминлаш шарт-шароитларига мос келадиган, бутун дунёда эътироф этилган ноёб узлуксиз таълимнинг миллий модели яратилди. Мазкур тизимнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур мустаҳкам моддий-техник база шакллантирилди, малакали педагог кадрлар тайёрланди, янги давлат таълим стандартлари ва ўқув-услубий адабиётлар ишлаб чиқилди.

"Обод турмуш йили" Давлат дастурида ушбу ижобий жараённи янада ривожлантириш мақсадида 217 умумтаълим мактабини реконструкция қилиш ва 164 тасини капитал таъмирлаш, 159 академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, олий таълим муассасаларининг 45 объектини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш режалаштирилган. Уларнинг барчаси компьютер техникаси, ўқув-лаборатория жиҳозлари ва бошқа инвентарлар билан таъминланади. Шунингдек, 55 мусиқа ва санъат мактаби, 116 болалар спорти объектини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда уларни барча зарур жиҳозлар билан таъминлаш кўзда тутилган.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги олий ўқув юртлари ва уларнинг ҳудудлардаги филиаллари оптик-толали алоқага эга бўлиб, улар "ZiyoNET" миллий таълим тармоғи ҳамда юқори тезлик билан ишлайдиган интернетга уланган. Ишга туширилган ягона ахборот-кутубхона тизимига 300 мингдан ортиқ дарслик, қўлланма ва бошқа ўқув адабиётларига доир библиографик маълумотлар киритилган. 2013-2016 йилларда ушбу базани 30 мингдан ортиқ электрон дарслик ва китоблар билан тўлдириш режалаштирилмоқда.

Мамлакатимизда замон талабларига жавоб берадиган янги авлод дарсликларини яратиш тизими шакллантирилди. Айни пайтда улар жами ўқув адабиётларининг 99,4 фоизини ташкил қилади. 2013 йилда касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасаларининг кутубхона фонди 343 номдаги 600 мингта ўқув қўлланмалари билан бойитилади. Бундан ташқари, умумтаълим мактабларининг биринчи синф ўқувчилари, Меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, кам таъминланган оилалар фарзандларини дарсликлар ҳамда қўлланмалар билан бепул таъминлаш белгиланган. Шунингдек, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига қишки кийим-кечак, биринчи синф ўқувчиларига эса 12 номдаги ўқув анжомлари бепул берилади.

*(Давоми 2-бетда).*

Кўргазмали семинар



## ФЕРМЕРЛАРГА МАВСУМБОП САБОҚ

**2013 йил ҳосили учун экилган ғаллани азотли ўғитлар эритмаси (суспензия) билан барг орқали озиқлантириш ҳамда бегона ўтлар, касаллик ва турли зарарли ҳашаротларга қарши кимёвий дори ишлатишда фермер хўжаликларига амалий тавсиялар бериш мақсадида Ўрта Чирчиқ туманидаги "Гулбаҳор" фермер хўжалиги дала шийпонида кўргазмали семинар ўтказилди.**

Йиғилишда қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, фермерлар кенгаши, "Қишлоқхўжаликкимё", ўсимликларни ҳимоя қилиш, МТП, "Давтехназорат" бўлими ва дон маҳсулотлари корхоналари ҳамда соҳага алоқадор барча ташкилот раҳбарлари, шунингдек, ёқилғи тарқатиш шахобчалари операторлари ва фермер хўжаликлари бошлиқлари иштирок этди.

Семинар қатнашчиларига ғаллага суспензия сепиш, бегона ўт, касаллик ва зараркунандаларга қарши курашишда қўлланиладиган кимёвий воситалар ҳамда уларни ғалланинг қай даражада ривожланганига қараб қўллаш меъёрлари тўғрисида амалий тушунчалар берилди. Тадбирни тизимли отрядлар усулида ташкил этиш учун туман ва ҳудудга бириктирилган масъул ходимларнинг вазифа ва мажбуриятлари тушунтирилди.

Йиғилиш охирида фермер хўжаликлари раҳбарлари семинарда ташкил этилган кўргазмадаги минерал ўғит ва кимёвий воситалар билан таништирилди.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

Наврўз – 2013

## УМУМХАЛҚ ҲАШАРИ

**Маълумки, 2013 йил – Обод турмуш йилининг март-апрель ойлари мамлакатимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги деб эълон қилинди. Шу муносабат билан вилоят ҳокимининг барча шаҳар ва туманлардаги аҳоли истиқомат жойларида, ҳар бир маҳаллада "Обод турмуш йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган фармойиши қабул қилиниб, икки ой давомида ҳудудларда амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгиланди ва жойларга етказилди. Шунингдек, 16-17 март кунларидаги умумхалқ ҳашарини вилоятнинг барча ҳудудларида уюшқоқлик ва кўтаринки руҳда ўтказиш чора-тадбирлари белгиланди.**

Шу муносабат билан "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими Наврўз умумхалқ байрамини муносиб нишонлаш, халқимиз орасида миллий қадриятларимизга хос хайрихоҳлик ва ҳамжиҳатликни янада кучайтириш, беғараз ёрдам, меҳр-мурувват каби эзгу фазилатларни юксалтириш, маҳалла ҳамда тураржойларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга қаратилган кенг кўламли ишларни амалга оширишни режалаштирди.

Жумладан, ушбу ойлик ва шанбалик кунлари доирасида вилоятдаги 1072 та маҳалла ҳудудлари, аҳоли пунктлари, кўп қаватли бинолар, гузару хиёбонлар, зиёратгоҳлар, 746 та қабристон, ариқлар, кўча ва йўлаклар, болалар майдончаларини тартибга келтириш, барча тураржой ва мавзеларда мевали, манзарали ва гул кўчатлари экиш, жумладан, 3 млн. 290 минг туп манзарали, 1 млн. 725 минг туп мевали ҳамда 800 минг тупдан кўпроқ гул кўчатлари экиш режалаштирилган.

Наврўз байрамининг асосий хусусиятларидан бири сифатида, албатта, жойларда меҳр-мурувват, саховат тадбирларига, яъни кекса ва ногиронлар, ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган, кўп болали оилаларнинг уй-жой шароитларини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилади.



Вилоят шаҳар ва туманларида кўплаб янги объектлар, маҳалла идоралари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қуриб, фойдаланишга топширилади. Чунончи, Бўстонлиқ туманидаги Хўжакент қишлоғида умумий овқатланиш шохобчаси, Ғазалкент шаҳрида маиший хизмат кўрсатиш ва савдо шохобчаси, Чиноз тумани Ишчилар шаҳарчасида сунъий қопламали минифутбол майдончаси, "Ёшлик" МФЙнинг янги маҳалла идораси биноси, Паркент тумани "Бўстон" маҳалласида сутни қайта ишловчи цех, Бекобод тумани "Бўстон" маҳалласида "Баркамол авлод" маркази, "Хос" маҳалласида тикув цехи, Қозоқбоев номидаги маҳаллада пахта тозалаш кичик цехи, Қибрай шаҳарчасида "Афсар компани ЛТД", Матқобулов номидаги маҳаллада "БИОСУТ" Ўзбек-Германия қўшма корхоналари, Оҳангарон шаҳрида "Мажнунтол" умумий овқатланиш шохобчаси, Оҳангарон туманидаги Сусам қишлоғида янги маҳалла гузари ва бошқа кўплаб объектлар ишга тушади.

Шанбаликларда вилоят бўйича жами 1 млн. 438 минг аҳоли, шу жумладан, 820 мингдан кўпроқ ёшлар иштирок этиши кутилмоқда.

Вилоят ҳокимининг 2013 йил 11 мартдаги 54-Ф сонли фармойиши 6-бандига асосан бошқарма, идора, корхона, ташкилот ва муассаса ходимларининг бир кунлик иш ҳақлари "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ҳамда туман ва шаҳар бўлимларининг банкдаги ҳисоб рақамларига ихтиёрий тарзда ўтказилади. Бу маблағларни "Обод турмуш йили" Давлат дастурида белгиланган тадбирларни амалга ошириш, кам таъминланган оилалар, ногирон ва ёлғиз кексаларга моддий ёрдам кўрсатиш, ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, маҳаллалардаги спорт майдончаларини жорий таъмирлаш ва керакли спорт анжомлари билан жиҳозлашга сарфланиши назарда тутилган.

Умумхалқ ҳашарида иштирок этган жамоаларнинг бир кунлик иш ҳақи миқдоридаги маблағ хайрия жамоат фондининг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказилади: 20212000500132942001, ОАТБ Қишлоқ қурилиш банк Тошкент вилоят минтақавий бўлими МФО 00987, ИНН 200548395, ОКОНХ 98600.

## ТОШКЕНТДА «BAZAR-ART – 2013» КЎРГАЗМАСИ

**Жорий йилнинг 23-26 март кунлари Тошкентда анъанавий "Bazar-Art" кўргазма-ярмаркаси бўлиб ўтади. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Ижод" рассомлар, санъатшунослар ва халқ усталари уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилаётган кўргазма 2007 йилдан буён ўтказиб келинади.**

"Bazar-Art" кўргазма-ярмаркасида Ўзбекистоннинг энг моҳир ҳунармандлари ҳамда ижодкорлари бетакрор санъат асарлари, қўл меҳнати асосида яратилган турли буюм ва жиҳозларни намойиш этишади. Тўрт кун давомида уста-ҳунармандлар томонидан қизиқувчилар учун махсус маҳорат дарслари ҳам ташкил этилади.

Бундай жимжимадор санъат намуналарининг хилма-хил турини фақат ҳар баҳор ва куз мавсумида ўз сепини ёядиган "Bazar-Art" кўргазма-ярмаркасидан топиш мумкин. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси матбуот хизмати маълумотларига кўра, навбатдаги кўргазмада Ўзбекистоннинг барча ҳудудларидан келган 150 дан зиёд ҳунарманд усталар ва тадбиркорлар қатнашади.

**"Туркистон-пресс".**

"Ташаббус – 2013"

**Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилаётган "Ташаббус" кўрик-танловининг Тошкент вилояти шаҳар ва туман босқичлари бўлиб ўтмоқда. Танловнинг Чиноз тумани босқичида 48 тадбиркор, фермер ва ҳунарманд иштирок этди.**

# ТАДБИРКОРЛАР БАҲСИ

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани алоҳида таъкидланди.

"Усмонобод" фермер хўжалиги ва "Ҳадичабону ширинликлари" хусусий корхонаси раҳбарлари "Энг яхши фермер" ва "Энг яхши тадбиркор", ҳунарманд Тамара Норматова "Энг яхши ҳунарманд" номинациялари бўйича ғолиб чиқиб, танловнинг вилоят босқичига йўлланма олди.

– Ўтган йили истеъмол бозорига аввалги йилдагига нисбатан анча кўп – 30 тонна гўшт етказиб бердик, – дейди "Усмонобод" фермер хўжалиги раҳбари Улуғбек Эрматов. – Шунингдек, 130 гектар ерга пахта ва ғалла экиб, юқори ҳосил етиштирдик. Натижада 180 миллион сўм соф фойда олдик.

Фермер хўжалигида жорий йилдан сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш, паррандачилик йўлга қўйилади. Натижада ўнга яқин янги иш ўрни яратилади.

Вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам мазкур кўрик-танлов давом этмоқда.

**ЎзА.**

Истеъмолчи доимо ҳақ

**Бугунги кунга келиб "истеъмолчи ҳуқуқи" атамаси кундалик ҳаётимизга сингиб улгурди. Тарихга назар ташласак, ушбу атамага биринчи бор АҚШ президенти Жон Кеннеди 1962 йил сенат йиғилишидаги маърузасида изоҳ бериб, истеъмолчининг асосий ҳуқуқлари хусусида фикр билдирган эди. 15 март – Халқаро истеъмолчилар куни сифатида биринчи марта 1983 йилда нишонланган.**

# ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА



1985 йил 9 апрелда БМТ Бош Ассамблеяси истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асосий тамойилларини белгилаб берган.

Ўзбекистонда истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари устувор экани қонуний асосда биринчи марта Конституциямизда эътироф этилди ва шу сабабли ҳеч муболағасиз айтишимиз мумкинки, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш 1992 йил 8 декабрдан бошлаб давлат аҳамияти даражасига кўтарилди. 1996 йил 26 апрелда "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди. Унда истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қонун ҳимоясида эканлиги, ҳуқуқлари бузилиши оқибатида истеъмолчига етказилган моддий ва маънавий зарарнинг қопланиши каби қатор тушунчалар берилган.

Жумладан, қонуннинг 23-моддасида давлат истеъмолчиларнинг товар (иш, хизмат) сотиб олиш ва ундан фойдаланиш чоғидаги ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлаши, давлатнинг ушбу вазифасини давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек судлар амалга ошириши кўрсатиб ўтилган. Бундан ташқари, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун махсус ваколат берилган давлат органлари мавжуд бўлиб, улар Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини ўз ваколатлари доирасида назорат қилувчи бошқа давлат бошқаруви органларидир.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда махсус ваколатли давлат органи – Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси фаолиятига назар ташласак, 2012 йилда бошқармага истеъмолчилардан жами 327 та ариза ва шикоятлар тушган бўлиб, уларнинг 85,3 фоизи коммунал хизматлар, 6,5 фоизи савдо ва умумий овқатланиш, 1,2 фоизи транспорт ва алоқа хизматлари соҳасига тўғри келди. Ушбу мурожаатлар белгиланган тартибда ҳал қилиниб, истеъмолчилар фойдасига жами 128,2 млн. сўм қайта ҳисоб-китоб қилинди, яъни истеъмолчиларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Бу борадаги ишлар янада такомиллаштирилиб, 2013 йил учун ҳам бир қатор чора-тадбирлар белгиланиб, ижросига киришилган.

**Умриузоқ ҒАНИЕВ, вилоят хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси бош мутахассиси.**

2013 йил – Обод турмуш йили

# ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ҳаётимизнинг барча соҳасини жадал ривожлантириш мутахассислар томонидан замонавий билим, қобилият ва кўникмаларни тизимли асосда ўзлаштиришни тақозо этмоқда. Шунга мувофиқ педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими такомиллаштирилмоқда. Жорий йилда халқ таълими тизимидан 90 минг, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидан 23 минг, олий таълим тизимидан 5,8 минг нафар ходимнинг малакаси ва тажрибасини ошириш ташкил этилади. Умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг малакасини масофадан туриб ошириш тизими янада ривожлантирилади. Ушбу тизим бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудида фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, олий ўқув юртларининг қатор магистрантлари, илмий ходим ва ўқитувчилари илғор хорижий таълим муассасаларида тажриба оширади. Буларнинг барчаси таълим жараёнига замонавий педагогика технологияларини кенг татбиқ этиш учун қўшимча имкониятлар яратади.



Ўзбекистонда шаклланган миллий таълим модели нафақат узлуксиз таълим олишни, балки ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда шахснинг муттасил ривожланиб боришини ҳам кафолатлайди. Масалан, Давлат дастурида мактабда, айниқса, қишлоқ жойларда биринчи синфга тайёрлашни янада яхшилаш мақсадида мактабгача таълим тизимига янги мазмун-моҳият бағишлаш кўзда тутилган. Давлат бюджети ҳисобидан ҳар бир мактабгача таълим муассасаси болаларнинг интеллектуал ва мантиқий фикрлаш қобилиятини эрта ривожлантиришга ёрдам берадиган кўргазмали қўлланмалар ҳамда материаллар билан таъминланади. Мактабга тегишли шаклда тайёрлаш имконини берадиган бешта китобдан иборат расмли қўлланмалар тўпламини нашр этиш режалаштирилган. Ҳар йили улар мактабгача таълим муассасаларига жалб этилмаган болаларга бепул тарқатилади.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ёшлар, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини кичик бизнесга жалб қилиш масаласи ҳам давлат сиёсати даражасига кўтарилган муҳим вазифалардан биридир. Шундан келиб чиққан ҳолда, "Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш дастури" лойиҳаси доирасида олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежларида қишлоқ хўжалиги, саноат, ахборот технологиялари, атроф-муҳит муҳофазаси ва хизмат кўрсатиш соҳалари мутахассисларини тайёрлаш учун мақсадли курслар ташкил этиш мўлжалланмоқда. Ёш тадбиркорларга моддий ва услубий ёрдам кўрсатилади, ҳудудий махсус маслаҳат марказлари фаолияти такомиллаштирилади. Бундан ташқари, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ишга жойлашиш имкониятларидан хабардорлигини ошириш мақсадида бўш иш ўринларининг ягона интерфаол базасини яратиш кўзда тутилган.

Жорий йилда "Таълим грантлари дастури", "Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури" танловларини ўтказиш давом эттирилади. Шунингдек, кам таъминланган оилалардан ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида ва олий ўқув юртларида ўқиётган 100 нафар иқтидорли йигит-қизлар учун касаба уюшмаси стипендиялари таъсис этилади.

Мамлакатимизда болалар ва ёшларнинг истеъдоди ҳамда ижодий қобилиятини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2013 йилда "Янги авлод" болалар ижодиёти фестивали, замонавий хореография ва спорт пластикаси халқаро танлови, болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари ўртасида академик ва эстрада ижрочилиги бўйича республика танлови, "Иқтидорли ёшлар – Ватан равнақи йўлида" шиори остида ўқувчиларнинг "Йилнинг энг яхши ихтирочиси" танлови ўтказилади. Аксарияти анъанага айланган бу тадбирлар мамлакатимизнинг барча ҳудудидаги иқтидорли болаларни аниқлаш ва уларнинг ижодини ривожлантиришга хизмат қилмоқда, ўсиб келаётган ёш авлоднинг юқори салоҳиятини намойиш этмоқда.

Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спортни янада кенгроқ оммавийлаштириш мақсадида 2013 йилда қишлоқ аҳолиси, айниқса, ёшлар ўртасида "Алпомиш" ва "Барчиной" ҳудудий мусобақалари, "Миллий қадриятлар – беқиёс бойлигимиз" шиори остида миллий спорт ва халқ ўйинлари республика фестивали, Наврўз, Мустақиллик байрамларига бағишланган умуммиллий марафонлар ташкил этилади. Бухорода "Универсиада – 2013" мусобақалари бўлиб ўтади.

Ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларда миллий ифтихор ва ўзликни англаш, ватанпарварлик, ўз халқининг тарихи ҳамда маданиятини ҳурмат қилиш фазилатларини шакллантириш келажакка қаратилган ушбу улкан ишларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Ушбу хайрли ишлар доирасида жорий йилда ёшларнинг касб кўникмаси ва инсоний фазилатларини ривожлантириш учун таълим оромгоҳлари, ёш журналистлар учун медиа-оромгоҳлар, турли йўналишлар бўйича мунтазам ўтказиладиган семинарлар, тренинг ва маҳорат сабоқлари ташкил этилади. Бунда йигит-қизларнинг серқирра истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилади. Бундан ташқари, болалар ва ёшларнинг фойдали дам олишини ташкил этишга доир комплекс чора-тадбирлар режалаштирилган.

Давлат дастурида "Биз баркамол авлодмиз" ўн кунлиги, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган "Ҳар бир болага меҳр ва эътибор" ҳафталигини ўтказиш режалаштирилган.

Мамлакатимизда барча болаларни ривожлантириш ва уларнинг бахтли ҳаётини таъминлаш учун энг қулай шарт-шароитлар яратишга доир амалга оширилаётган ишларга ушбу шиорнинг эзгу ғояси сингдирилган. Хусусан, 2013 йилда инклюзив таълим тизимини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, бундай таълим турига имконияти чекланган фарзандлари бор оилаларни жалб қилиш, шунингдек, улар учун спорт мусобақалари ҳамда оилавий марафонлар ўтказиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, имконияти чекланган болалар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларига ижтимоий-психологик, тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида Фарғона ва Самарқандда Республика болалар ижтимоий мослашув марказининг филиаллари очилади.

Халқимиз азалдан илм ва маърифатга интилган. Истиқлол йилларида ушбу соҳа давлат сиёсатининг устувор йўналишлари қаторидан ўрин олди. Буни "Обод турмуш йили" Давлат дастури ҳам яққол тасдиқлайди. Унда жисмонан соғлом, маънавий етук баркамол ёшларни тарбиялаш ва уларнинг билим олиши бўйича белгиланган вазифаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши мамлакатимизда фаровон ҳаётни таъминлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

**ЎзА.**

Огоҳлик

## «ЖАҲОЛАТ ЧАНГАЛИ»ГА ТУШИБ ҚОЛМАНГ

**Ўзбекистондаги барқарор тинчлик, фаровон ҳаёт, беқиёс юксалиш жараёни жаҳон афкор оммаси эътиборида. Халқимиз тақдири ҳеч қачон дўсту ағёрлардан ҳоли бўлмаган. Ғоявий мухолифларимизнинг ҳасадли кўзларидаги ғаразли мақсадларни илғаб олиш осон эмас. Айниқса, навниҳол ёшларимиз онгини заҳарлаш, нотўғри йўлга солишдек ёвуз ниятларига қарши тура олиш учун доимий огоҳлик зарур. Республика миқёсида давом этаётган "Тозалаш" ойлиги шу мақсаддаги зарур чора-тадбирлардан.**

Вилоят Маънавият ва маърифат марказида "Ёшларнинг қонунбузарлик ва экстремистик фаолиятга аралашиб қолишининг олдини олиш" мавзусига бағишланган семинар ташкил этилди. Республика Маънавият-тарғибот маркази вилоят бўлими уюштирган тадбирга барча туман ва шаҳарларнинг вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялари масъул котиблари, ижтимоий мослашув маркази ҳамда коллеж, лицей раҳбарларининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосарлари, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ходимлари, ИИБ инспекторлари таклиф этилди. "Ёшларга оид давлат сиёсатининг моҳияти", "Диний экстремизм – жамият барқарорлигига таҳдид", "Миссионерлар ким ва уларнинг мақсади нима?", "Терроризм таҳдиди ва уни бартараф этиш йўллари" мавзуларида маърузалар қилинди ва "Жаҳолат чангалида" видеофильми намойиш этилди.

Одамларни доимий ҳушёрликка чорловчи семинар иштирокчиларда чуқур таассурот қолдирди. Улар ўз фикр-мулоҳазаларини очиқ-ойдин баён этиб, ёшларнинг барча хатти-ҳаракатини қатъий назоратга олиш, тўғри йўл кўрсатиш кераклиги ҳақида маслаҳатлашиб олишди.

**Сайёра РИХСИЕВА.**

## МЕТАЛЛУРГЛАР МАЛАКА ОШИРДИ

**"Ўзбекистон металлургия комбинати" очиқ акциядорлик жамиятида мингга яқин металлург малака оширди.**

Шунингдек, 398 киши иккинчи касбни эгаллаш, 242 киши мақсадли курсларда ўқитилди. 54 металлург Тошкент шаҳридаги илм даргоҳларида ўқиб, малакаларини янада оширишди.

## «КАМОЛОТ» ҲАШАРИ

**"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Бўка туман кенгаши ҳамда "Янги ҳаёт" маҳалла фаоллари ҳамкор ташкилотлар жумладан, ёшларни жалб этиб, ҳудуддаги қабристонда ҳашар уюштирди.**

Ободонлаштириш тадбири давомида қабристон атрофлари ва йўлаклар тозаланди, дарахтлар буталиб, оқланди..

**Зилола АЛИЕВА.**

## ОСОЙИШТАЛИК УЧУН ҲАММА МАСЪУЛ

**Вилоятимизнинг ҳамма гўшаларида Наврўз айёми билан боғлиқ байрам тадбирлари – ҳалим ва сумалак тайёрлаш удуми, халқ сайиллари, миллий спорт турлари билан уйғун халқ ўйинлари бошланмоқда. Шу муносабат билан нафақат ҳуқуқ-тартибот органлари, балки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари ходимлари, маҳалла фаоллари ва посбонлари, умуман, ҳар бир фуқаро бугун огоҳлик ва ҳушёрликни ҳар қачонгидан ҳам ошириши зарур. Негаки, кейинги вақтда глобал ахборот, диний-экстремистик ташкилотлар ва турли зарарли оқимлар ҳаракати кучайиб бормоқда.**

Тажрибадан маълумки, бундай ёвуз ниятли ташкилот ва оқимлар айнан байрам кунлари хуружга миниб, ўз таъсирларини кучайтиришга уринадилар. Шуни ҳисобга олиб, вилоят ҳокимининг фармойишига мувофиқ 25 февраль – 25 март оралиғида жойлардаги ички ишлар идоралари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар, маҳаллий бошқарув ва ўзини ўзи бошқариш идоралари ходимлари ҳамда кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда махсус "Тозалаш" профилактик тадбири ўтказилмоқда.

Тадбирни оқилона ташкил этиш ва белгиланган вазифаларнинг ижросини назорат қилиш учун вилоят тезкор штаби тузилди. Шунингдек, жойларда ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари, "Маҳалла" жамоат фонди, хотин-қизлар кенгашлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, халқ ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари, корхона, ташкилот ва муассасалар вакилларидан тузилган шундай штаблар ҳаракат қилмоқда.

Бозорлар, истироҳат боғлари, одамлар тўпланадиган жойлар, кўп қаватли уйлар, корхона, ташкилот, муассасаларда маҳалла раислари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари вакиллари, маҳалла посбонларидан иборат кузатувчилар тайинланган. Ҳар бир маҳалла ва кўчада, кўп қаватли уйлар олдида, даҳа ва мавзеларга кириш-чиқиш жойларида маҳалла фаоллари ва посбонлари, шунингдек, кўнгиллилардан иборат кузатув постлари ва навбатчилик ташкил этилиб, уларга алоҳида вазифалар топширилган. Маҳаллаларга келаётган бегона одам ва автотранспортлар шубҳа уйғотса, зудлик билан ички ишлар органлари, милиция таянч пунктлари ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораларига хабар етказиш хусусида аҳоли ўртасида тушунтириш олиб борилмоқда.

**Ўз мухбиримиз.**

ТАБРИК ВА ЭЪЛОНЛАР


«Navruz International Corp»

қўшма корхонаси ходимлари

бағри кенг ва меҳри дарё ўзбек халқини

гўзал айём – **Наврўз** билан

чин юракдан муборакбод этади. Диллардаги софлик, ўзаро меҳр-оқибат ва барча ҳавас қиладиган меҳмондўстлигимиз доимий бўлсин. Байрам кайфияти сизларни ҳеч қачон тарк этмасин!




## ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4453-сонли фармонига асосан микрофирмалар томонидан статистик ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари ўзгартирилди, яъни 2013 йил 1 январдан бошлаб йилда бир маротаба ҳисоботларни тақдим этилиши белгиланди. Бунда статистика органлари ҳар чоракда тегишли фаолият йўналишлари ва соҳалари бўйича танланма ўрганишлар (кузатувлар) ўтказади.**

Микрофирмаларда танланма кузатувлар – бу статистик кузатув бўлиб, статистика органлари томонидан микрофирмаларнинг бир қисмида ҳар чораклик сўровлар ўтказиш натижалари асосида, барча микрофирмалар фаолиятининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида хулосалар тайёрланади.

**Микрофирманинг танланма кузатуви (МФК) сўровномасини тўлдириш бўйича методик қўлланма Давлат статистика қўмитаси томонидан ишлаб чиқилди ва 2013 йил 1 мартдан бошлаб кучга кирди.**

МФК сўровномасини тўлдирувчилар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 октябрдаги "Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификациясини тасдиқлаш тўғрисида"ги 439-сонли қарорига мувофиқ фаолият тури ва ўртача йиллик ишчилар сонига қараб танланади. Классификацияга биноан микрофирмаларда ўртача ишчилар сони қуйидагича:

– саноат ва қурилиш соҳаларида – 20 кишигача;

– қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида – 20 кишигача;

– фан ва илмий тажриба соҳаларида – 10 кишигача;

– ноишлаб чиқариш соҳасида – 10 кишигача;

– хизмат кўрсатиш соҳасида – 10 кишигача;

– чакана савдода – 5 кишигача.

Микрофирманинг танланма кузатуви сўровномаси корхона раҳбари, етакчи менежери ёки бош ҳисобчиси томонидан статистика органи кўрсатган давр учун жорий йил бошидан бир марта тўлдирилади.

Кузатувга тушган микрофирмалар ўз жойидаги туман, шаҳар статистика бўлимига ҳисобот даври охирги ойининг 30 санасидан кечиктирмай "Микрофирманинг танланма кузатуви сўровномаси"ни тўлдирилган ҳолда тақдим этиши лозим.

**Тошкент вилояти статистика бошқармаси.**

ТАБРИК ВА ЭЪЛОНЛАР










**ДУК "СУВСОЗ" ҚОШИДАГИ "MUSAFFO OBI HAYOT" МЧЖ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ ҚИБРАЙ ВА ЗАНГИОТА ТУМАНЛАРИДА ШАҲАР ИЧИМЛИК СУВИДАН ИСТЕЪМОЛ ҚИЛАЁТГАН АБОНЕНТЛАРГА 2013 ЙИЛ 1 АПРЕЛДАН БОШЛАБ:**

**Аҳоли учун:**
Ичимлик суви – 1 м. куб – 163,00 сўм
Оқава хизмати – 1м. куб – 74,00 сўм

**Юридик корхоналар учун:**
Ичимлик суви – 1 м. куб – 458,00 сўм (+20%ҚҚС)
Оқава хизмати – 1 м. куб – 152,00 сўм (+20%ҚҚС)

**Бошқа улгуржи истеъмолчилар учун:**
Ичимлик суви – 1 м. куб – 163,00 сўм (+20%ҚҚС)
Оқава хизмати – 1 м. куб – 74,00 сўм (+20%ҚҚС)

**Бюджет корхоналари учун:**
Ичимлик суви – 1 м. куб – 138,00 сўм (+20%ҚҚС)
Оқава хизмати – 1 м. куб – 74,00 сўм (+20%ҚҚС)

**"SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога Юқори Чирчиқ тумани СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда: 1. 28.12.2011 й. № 11-1130/25283-сонли ижро ҳужжатига асосан "Кейс 2366", д/р. 1464 ER. Бошланғич баҳоси – 52 609 737 сўм. 2. 28.12.2011 й. № 11-1130/25283-сонли ижро ҳужжатига асосан "Магнум 7240", д/р. 1811 ЕД. Бошланғич баҳоси – 36 338 755 сўм. Юқори Чирчиқ тумани МТП, Янгибозор қўрғони, Баҳор кўчасида сақланмоқда. 3. 01.03.2012 й. ижро ҳужжатига асосан "Зил 130", д/р. 10 318 ВАА. Бошланғич баҳоси – 12 219 956 сўм. Юқори Чирчиқ тумани, Истиқлол қ.ф.й, Арганчи универсал сервис МЧЖда сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 1 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004887305001, МФО 00425, ИНН 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Тел.: 577-22-12.

**Гувоҳнома № 004593.**

**"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога Юқори Чирчиқ тумани СИБ томонидан 03.11.2011 й. ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, Султонравот даҳаси, Паркент кўчасида жойлашган чойхона биноси. Бошланғич баҳоси – 88 850 440 сўм бўлган кўчмас мулк такроран қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 1 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. 2. Учтепа тумани СИБ томонидан 17.09.2012 й. № 1-42339/12-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, 9-берк Чоштепа кўчасида жойлашган кўчмас мулк. Бошланғич баҳоси – 626 010 000 сўм. 3. Олмазор тумани СИБ томонидан 27.10.2008 й. № 1-440/08-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Себзор-17/18-даҳа, 4-уй. Бошланғич баҳоси – 62 963 067 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 16 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар 2013 йил 16 апрель куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 1 май куни бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ Тошкент шаҳар, "Ипотека банк" АТИБ Шайхонтоҳур филиалига қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304936050001, МФО 00425, СТИР 207125885. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Тел.: 577-22-12.

**Лицензия: RR-0052.**

Тошкент Давлат Иқтисодиёт институти томонидан 1991 йилда Хусанов Махмут Маматкулович номига берилган ФВ № 961451 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ЧФ "TALAN SERVIS" (ИНН 201441878) Хамзинского района г. Ташкента реорганизуется в ООО "TALAN SERVIS". Тел.: 955-61-04.

Утерянную карточку на имя Костадинова Константина, сроком действия до 19.02.2013 года, выданную СДС МИД РУ, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНОЙ.**

Аввал Яккасарой тумани ТСРЎИ томонидан 2004 йил 9 декабрда 000030-11 реестр рақами билан рўйхатга олинган "PATROKL" хусусий корхонаси мулкчилик шакли "PATROKL" МЧЖга ўзгартирилганлигини маълум қилади.

ООО "COMFORT FURNITURE" (ИНН 301328199), зарегистрированное в Ахангаранском районе Ташкентской области, адрес: Ахангаранский район, ул. Бахт, 1 сообщает об уменьшении уставного фонда с 223 065 558 сум до 173 065 558 сум.

СП ООО "JINNTEX GLOBAL" (ИНН 302190737) Шайхантахурского района г. Ташкента реорганизуется в ООО "JINNTEX GLOBAL" с уменьшением уставного фонда предприятия с 150 000 долларов США до 99 944 долларов США.

Кредиторы и дебиторы имеют право предъявлять претензии в течении одного месяца по адресу: Шайхантахурский район, ул. А. Кодирий, 1-А, тел.: 241-89-48.

# ШУКРОНА

Неварам онамнинг расмини чизипти. Рангли бўёқда. Худди ўзларига ўхшатиб. Мамнун жилмайиб туриптилар.

Шу куни онам тўқсон ёшга тўлдилар. Уй тўла меҳмон.

– Шундай кунларга етказганига шукр, – дедилар онам дуога қўл очиб.

– Эртага сизни уйимизга олиб кетамиз, – дедим онамнинг хурсандликларидан завқланиб. – Ахир ўғилларникида навбат билан яшаш керак, тўғрими?

Онам айтдилар:

– Болам, ўтган якшанба сеникига бормоқчийдим. Укангнинг ўғли Тошкентни томоша қилдиргани олиб тушди. Таниёлмай қолдим. Ҳаммаёқ обод бўлиб кетипти. Худди эртаклардагидек чиройли. Истироҳат боғига кирдик. Ана боғ-у, мана боғ. Сайр қилиб юрган ёшларни кўриб, мен ҳам яшариб кетдим.

– Ҳа, маза бўпти-ку. Энди навбат бизникига кепти.

Онам жилмайдилар:

– Вой болам-ей, унгача ишим кўп. Биласан, синглинг неварасини уйлантираяпти. Янги қудасиникига бориб, ёшларга оқ фотиҳа бериб келишим керак экан. Кейин ўша синглингнинг узатган қизи болалик бўлай деб турипти. Уникига ҳам бирров бориб келишим зарур эмиш. Ахир шу набирамдан биринчи авара кўраман-да. Кейин кичик синглингникига ўтиб келай.

– Унда бир ҳафтадан кейин бизга навбат келаркан-да?

Суҳбатга қўшни меҳмонлардан бири аралашди:

– Ҳали сиз шошмай туринг. Маҳалладаям тўй-ҳашамлар кўп. Сизникига кетиб қолсалар ким бизга бош-қош бўлиб туради?

– Майлику-я, лекин чарчаб қолмасалар бўлгани, – дейман хавотирланиб.

Онам хотиржам жавоб қиладилар:

– Ташвишланма, болам. Одамнинг тафтини одам олади. Сеникига эртага бораман. Эвараларимни ҳам соғинганман. Фақат кечқурун қайтсам хафа бўлмайсан. Эшитиб турибсан, ишларим кўп.

Неварам онамга жилмайиб дейди:

– Юз ёшингиздаям шунақа чарчамай юраверинг, бувижон. Ўшанда расмингизни бошқатдан чизаман. Чевараларингиз билан турган бўласиз.

**Абдусаттор ҲАТАМОВ.**



## Меҳр

# БУЮК БАХТ

**Бу курраи заминдаги ҳар бир тирик жонга меҳр ато этилган. Меҳр – улуғ туйғу, уни талаффуз этишнинг ўзи ҳам кўнгилга ёруғлик, илиқлик бахш этади.**

**Сизга: "Бахт нимада?" деган савол билан мурожаат қилишганда аввало, меҳр қўйган кишиларингизни бахтли, саодатли кўриш дея, эътироф этасиз. Демак, бу туйғу инсонлардаги худбинликни енгувчи куч ҳам ҳисобланади.**



Ер юзида энг мустаҳкам ришта бу онанинг фарзандига бўлган туйғусидир. Хоҳ у инсон, хоҳ у парранда, хоҳ ҳайвонот оламига мансуб бўлсин, оналик меҳри бир хилда тақсимланади. Зеро, фарзандни дунёга келтириб, умрининг охиригача парвариш қилиш учун чексиз сабр-қаноат, куч, матонат керак бўлади. Қисқаси, меҳр шундай кучга айланадики, барча қийинчиликларни бахт деб билади.

Ўтмишда содир бўлган урушлардан бирида босиб олинган ерлардаги одамлар катта печларда тириклайин ёқиб юборилган экан. Ўз ўлимига рўбарў келган бахтсизлар орасида бир она қизи ва ўғли билан турарди. Шунда қотиллардан бири аёлга: "Сен фақат бир фарзандинг билан тирик қоласан, танла!" дейди. Аёл қўлида жажжи қўғирчоғини кўтарган қизалоғига: "Бор" деб имлайди. Қизалоқ индамай, қўғирчоғининг қўлчасидан ушлаб осилтирганича, алангали печь ичига кириб кетади.

Қотилдан нега бундай чора қўллаганини сўрашганда: "Мен аёлга гулхан ичида ёниб ўлишдан ҳам оғирроқ қийноқни раво кўрдим" дейди. Қотил мутлақо ҳақ эди. У аёлга дунёдаги энг оғир азобни берди. Энди аёл умрининг охиригача қизалоғи дардида куйиб, руҳий хасталикка дучор бўлади. Жажжи қизалоқнинг оловли печь ичига кириши унинг кўз олдидан бир умр кетмайди.

Юқоридаги ҳикояни эшитганимда кичкина бола эдим. Ўшанда: "Нега аёл иккала фарзандини тирик қолдириб, ўзини қурбон қилмади?" деб сўраганимда: "Душман босган юртда бу икки етим гўдак ҳеч қанча яшамай, оч-наҳор ўлиб кетарди" деб тушунтиришган. Жажжи қизалоққа раҳмим келганидан: "Барибир, аёл нега қизини ўтга ташлади" деб эътироз билдириб, уни бемеҳрликда айблаганман. Аслида эса ўша меҳр у аёлда лимма-лимлигини вақт ўтибгина тушундим. Бу мудҳиш воқеада меҳрсизлик фақат қотилларга тегишлидир. Улар инсонийлик қиёфасини йўқотишган. Зеро, ўтмишда жажжи болакайлар энг йиртқич ҳайвонлардан бўлмиш бўриларнинг ҳам юрагини эритган. Она бўрилар ҳатто, инсон боласини парваришлаб, Мауглиларни етиштирган.

Энди, айтайлик, қонхўр бўрichалик бўла олмаган кимсаларни одам қаторига қўшиш мумкинмикин?

Мен шуни истардимки, меҳр кўрк бағишлаб турган нурли қиёфамизни сақлайлик. Ўшанда дунёни, бахтни, ўзимизни асраган бўламиз. Бошқаларга яхшилик қилиб, меҳр улашишнинг ўзи – буюк бахтдир.

**Дилнора СОИПОВА.**

## Кўргазма

# ОНА ЗАМИН АРДОҒИ

**"Соғлом авлод учун" жамғармаси турли мавзулардаги тасвирий санъат асарларининг анъанавий кўрик-танлови ва кўргазмаларини ташкил этмоқда.**

Жамғарма 8 март – Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб ташкил этган иқтидорли рангтасвир устаси Виктория Трошинанинг "Ҳар бир лаҳза мислсиз" кўргазмасидаги асарларида она замин ва Ватан меҳри туйғулари акс этган. Рассомнинг портрет, манзара, натюрморт ва бошқа жанрлардаги 30 дан ортиқ асарларида юртимизнинг табиат манзаралари маҳорат билан ифодаланган. Ёрқин рангларга бой асарларда она юртга, унинг меҳнатсевар халқига юксак муҳаббат ўз ифодасини топган.

Вилоятнинг Чорвоқ, Чимён ва унинг атрофлари манзаралари акс этган "Тонг", "Қишнинг эрта келиши", "Ой", "Кузги тераклар", "Куз. Чорвоқ", "Баҳор шабадаси", "Қишки Оқ-Булоқ" ва бошқа ўндан ортиқ асарлар кишига завқ бағишлайди.

Кўргазма жараёнида ташкил этилган давра суҳбатида сўзга чиққан Ўзбекистон Бадиий академияси академиклари Жавлон Умарбеков, Марат Содиқов, академия бўлим бошлиғи Ғайратилла Шукуров ва бошқалар муаллифнинг ижодкор сифатидаги фидойилиги, тафаккур тарзининг ўзига хослиги, услубини ҳаётий мисоллар воситасида таъкидладилар.

Халқаро хотин-қизлар куни арафасида очилган бу кўргазма бир ой давом этиб, коллеж, лицей ва мактаб ўқувчилари, "Меҳрибонлик" ва "Мурувват" уйлари тарбияланувчилари ташриф буюриши режалаштирилган.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.**




### ДУНЁДА ЭНГ ҚИММАТ ОБСЕРВАТОРИЯ

**AFP агентлиги тарқатган хабарида айтилишича, Чилининг шимолида дунёдаги энг йирик обсерваториянинг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.**



Атакама саҳросида денгиз сатҳидан 5 минг метр баландликда барпо этилган обсерваториянинг очилиш маросимида Чили президенти Себастьян Пиньера ҳам иштирок этди. Мамлакат раҳбари ишонч билдирдики, ушбу обсерватория "инсониятга улкан фойда келтиради, биз яшаб турган ер сайёрасини янада яхшироқ билишимиз ва тушунишимизга ёрдам беради ва балки, сайёрамиз ташқарисида ҳам ҳаёт бор-йўқлигига аниқлик киритиши мумкин".

Ушбу обсерватория дунёдаги энг йирик ва энг қиммат қурилма деб баҳоланмоқда.

### АСКАРЛАРИНИ ОЛИБ ЧИҚИБ КЕТИШМОҚЧИ

**Хорватия парламенти Голан тепалигида БМТ шафелигида тинчликни таъминлаш кучлари сафида қатнашаётган ҳарбийларини олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги қарорни маъқуллади.**




Associated Press агентлигининг таъкидлашича, хорват ҳарбийлари Исроил билан Сирия ўртасидаги қуролсиз зонада тинчликпарварлик бурчини адо этаётган эди. Хорватия мудофаа вазири Анте Котроманович таъкидладики, қўшинлар яқин ўртада олиб чиқиб кетилади, бироқ у аскар ва зобитлар уйларига қачон қайтишлари ҳақида ҳеч нарса демади.

Маълумки, шу йил февралнинг охирларида The New York Times газетаси Саудия Арабистони Хорватиядан кўпгина қурол сотиб олиб, сириялик қўзғолончиларга бергани ҳақидаги хабарни чоп этгач, Хорватия раҳбарияти Голан тепалигидаги қўшинларини қайтариш ҳақида ўйлай бошлаган эди. Бундан ташқари, ушбу қуролсиз зонада тинчликпарварлик бурчини бажараётган 20 чоғли филиппинлик аскарлар гаровга олингани ҳам Хорватия парламентининг қарорига туртки бўлди. Шунингдек, аввалроқ Австрия ва Япония ҳам шундай қарорга келганини эълон қилганди. Қолаверса, Ҳиндистон ҳам уларга эргашмоқчи эканлигини яширмаяпти.

### КИМ МАРКО ПОЛО ЎРНИНИ БОСАДИ?

**Хитойнинг Ханчжоу шаҳри маъмурияти XIII асрдаги машҳур итальян саёҳатчи Марко Полонинг ўрнини боса оладиган янги сайёҳни топишга қарор қилди, деб ёзади AFP агентлиги.**



Шаҳар ҳокимлиги танлов эълон қилиниши ҳақида хабар тарқатди. Унинг ғолиби 40 минг евро иш ҳақи олади. У шаҳарда 15 кун давомида сайёҳ сифатида иш кўради. Аммо бундан олдин тиғиз ўқув машғулотларидан ўтиши керак. Вазифаси шундан иборат бўладики, Ханчжоу шаҳри ҳақида қисқа видеоклиплар яратиши лозим.

Ушбу вазифани ўз зиммасига олишни нафақат эркаклар, ҳатто аёллар ҳам маълум қилмоқдалар. Асл сайёҳ Марко Поло 1298 йилда Ханчжоу шаҳрини "дунёдаги энг чиройли шаҳар" дея таърифлаган эди.

### БИР ЭМАС, БЕШТА СУНЪИЙ АЪЗО

**Асли Қатар фуқароси Фотима ал-Ансорий танасидаги бир эмас, бешта аъзосини донорларникига алмаштирганлигига қарамай, Американинг Майами шаҳридаги шифохоналардан бирида муваффақиятли кўзи ёриб, қизли бўлди.**

Шуниси диққатга сазоворки, жаҳонда ҳали бунақаси бўлмаган. Майамидаги клиника врачларининг таъкидлашича, илгари фақат иккита аъзоси алмаштирилган аёл фарзанд кўришга муваффақ бўлганди.

"Биз кўплаб тиббиётга оид адабиётларни варақлаб чиқдик, – дейди шифохона вакили. – Аниқлаган маълумотларимизга қараганда, Ал-Ансорий ҳаётида юз берган бу воқеа дунёда ягонадир".

Бу аёл 19 ёшда эканида унинг ичак артериясида қон ивиб қолганлигини аниқлашганди. 2007 йили Майамидаги шифохоналарнинг бирида жарроҳлик операцияси ўтказилиб, ўшанда унга бир йўла донорларнинг жигари, ошқозони, ошқозоности бези, ингичка ва йўғон ичаклари кўчириб ўрнатилган эди. Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг ёзишига қараганда, врачлар гарчи ҳомиладорлик даври баъзи мураккабликлар билан кечган бўлсада, энди Ал-Ансорийнинг соғлиғига ҳеч қандай хатар хавф солаётгани йўқ. 26 ёшли Фотима яна фарзандлар кўриши мумкин.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

## Бу қизиқ

### ШАМОЛЛАШДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

**Витамин С шамоллашдан энг яхши ҳимоя, деган фикрга америкалик олимлар тузатиш киритдилар.**

Огайо университети мутахассислари инсон танасидаги вирусларни рух (цинк) йўқ қилишини исботладилар. Шу сабабли мавсумий шамоллашларнинг олдини олиш учун цитрусли дори-дармону меваларга ружу қўймасдан, таркибида рух бўлган денгиз ва гўшт маҳсулотлари, помидор, саримсоқ, лавлаги, занжабил кабиларни меъёрида истеъмол қилиб юриш жуда фойдалидир, дейишмоқда мутахассислар.

### ЧОЙ АҚЛНИ ПЕШЛАЙДИ

**Сингапурлик мутахассисларнинг 1500 кўнгилли кишилар ёрдамида ўтказган тадқиқотлари мунтазам чой ичиб юриш ақли заифликдан қутқаришини яна бир бор тасдиқлади.**

Улар маълум муддат бир кунда тўрт пиёла қора чой ичган одамларда ақли заифликка йўлиқиш хавфи 40 фоизга камайганини аниқладилар. Фақат яхши тозаланган сувдан янги дамланган чойгина танани яйратиб, даволаш хусусиятига эга бўлишини ҳам унутмаслик керак.

### АСАБНИ АСРАНГ

**Асаб бузилиши оқибатида юзага келадиган касалликлардан катталардан кўра, 35 ёшгача бўлганлар кўпроқ азият чекмоқдалар.**

АҚШда ўтказилган сўров натижалари – 69 фоиз ёшлар доимо пул етишмаслигидан, 65 фоизи ишдаги муаммолардан, 55 фоизи оилавий ва шахсий муносабатлардан сиқилиб, асаблари бузилиб юришини кўрсатди. Доимо нималарнидир ўйлаб, асабни қақшатиб юриш соғлиқ учун жуда зарарли. Сўровномада қатнашганларнинг 40 фоизида эса шифокорга учрашиш нияти йўқ. Асаб билан боғлиқ касалликларнинг "ёшаргани" ҳам шундан. Зеро, ўша машҳур фильмда таъкидлаганидек, "...асаб толалари қайта тикланмайди".

**Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА тайёрлади.**

## Жиноятга жазо муқаррар

# УЧ ОҒА-ИНИ... «САВДОГАР»ЛАР

Фарзанд ўстириб, унинг камолини кўриш – олий саодат. Унинг эл орасида ҳурмат, обрўсини кўриб, эришган ютуқларидан, хулқ-одобидан раҳмат эшитсанг – бахтинг янада тўкис. Кетказган вақтинг, берган сабоғу ўгитларинг зое кетмаганидан суюнасан.

Бироқ, бир эмас, уч забардаст ўғилни вояга етказиб, оилали, уй-жойли қилган-у, уларнинг шарофати билан маҳалла-кўй, эл-юрт ичида юзи шувут бўлганлар ҳам бор орамизда. Айниқса, жигаргўшасининг қилган ишидан пушаймон бўлиб, суднинг қора курсисида ўтирганини кўриш ота-она учун оғир.

Ангрен шаҳар суди Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 135-моддаси 2-қисмининг "а, б, д, е, з, и" бандлари билан айбланган ака-ука Шоназаровларнинг жиноят ишини кўриб чиқди. Аниқландики, Шомансур, Бунёд ва Шерзод олдиндан жиноий тил бириктириб, Бахриддин Алматовни Москва шаҳри Глухова туманида қурилиш ишларида ишлашга ундаб, унга ойига 500-700 АҚШ доллари иш ҳақи, яшаш учун яхши шарт-шароит ваъда қилганлар. Қурилишда иш бошлаган Бахриддинни 22 ой давомида оғир шароитда ишлашга мажбурлашган. Шундай қилиб, уч ака-ука ўтган муддат ичидаги Бахриддиннинг 15 минг 400 АҚШ доллари миқдоридаги меҳнат ҳақини бермай келишган.

Табиийки, судланувчилар ўзларига қўйилган айбга иқрор эмаслар. Тўғрида, ўнлаб йигитларни қийин шароитларда ишлатиб, ейиш-ичишидан қисиб, етмаганига, ҳақини бермаганлар айбини тан олармиди?

Шомансур ва Бунёд Шоназаровларнинг ўзларини оқлаб берган кўрсатмаларини тинглашдан аввал жабрланувчиларнинг айтганларини эшитсак.

– Дадамнинг таниши Жалол ака қайни укалари Шерзод, Бунёд, Шомансурлар қишлоқдаги йигитларнинг кўпини Россияга олиб бориб, енгил иш бериб, яхшигина маош тўлашаётганини айтиб, мени ҳам улар билан юборишини сўрабди, – деди жабрланувчи Равшан Турғунбоев. – Дадам таклифга рози бўлдилар. Ҳамидхўжа, Самандар, Ғиёс ва Алишер билан Москвага учдим. Домодедова аэропортида бизни Шерзод Шоназаров кутиб олиб, Глухова посёлкасидаги қурилиш объектига олиб борди. У ерда 120 нафар ўзбекистонлик йигитлар ишлашаётганини кўриб, ҳайрон бўлдим. Шерзод паспортимни олиб қўйди. Ҳаммаси кейин бошланди. Бизга Шерзоднинг акаси Шомансур бошчилик қиларди. Шерзод менга: "Сен қанча кўп ишласанг, шунча кўп ойлик маоши чиқади, ўртача ҳар ойда 500 АҚШ доллари оласан" деган эди. Унинг гаплари ёлғон эканини кейин тушуниб етдим. Уйқусиз, суткалаб ишласам ҳам маошим ошмади. Борини ҳам беришмади. Бир йилу 2 ой ишлаб, олганим 500 АҚШ доллари бўлди.

– Россияга олиб кетишини Бунёд Шоназаровдан ўзим сўрадим. Бироқ, у менга 500-1000 АҚШ доллари миқдорида ойлик маош, яхши шарт-шароит ваъда қилган эди. Кўп қаватли бинонинг очиқ айвонида, 40 киши бирга яшашимизни билганимда асло бормаган бўлардим, – деди ака-укалардан жабр кўрган Сардор Ҳакимов. – Бекзод, Абдурашид, Ёқуб, Давлат билан Москва атрофидаги қурилиш объектига бордик. Бу ерда қишлоқдошларим Мурод, Маъмур, Умар ака, Дилшод, Шоҳруҳ ҳам ишлашаётган экан. Бир ярим ой оддий ишчи, кейин ғишт терувчи уста бўлиб ишлай бошладим. Шомансур ака ишни назорат қилар, Шерзод ака эса озиқ-овқат ва маош тарқатиш билан шуғулланарди. Кези келганда 24 соат тиним билмасдик. Энг ёмони "ака-укалар" ўзлари еган овқатни бизга раво кўришмасди. Ҳар гал ҳақимни сўраганимда турли баҳоналарни рўкач қилиб, пул беришмасди. Хуллас, 1 йил 4 ой қийинчиликда ишладим. Охир-оқибат 400 АҚШ доллари билан уйга қайтдим. Шомансур ва Шерзод ака йўқ вақтда бизга укаси Бунёд бошчилик қиларди. Энг ёмони, у ичиб олиб ишчиларни уриштирарди. Уларни қонга беланиб, бир-бирларини дўппослашларини мириқиб томоша қиларди. Унинг бу қилгуликларини унутиш қийин.



Сардор Ҳакимов суддан иш ҳақини ундириб бериб, судланувчиларга жазо тайинлашини сўради.

– Шомансур, Шерзод, Бунёдлар холам Гулзоранинг фарзандлари. Биз холаваччалармиз, – деди суд мажлисида жабрланувчи Бахриддин Алматов. – 2007 йилда Россиядан яхшигина пул ишлаб қайтгандик. Бу сафар ҳаммаси бутунлай бошқача бўлди. 22 ой холаваччаларим билан ишладим. Лекин менга бир тийин беришмади. Шерзоддан паспортимни сўраганимда: "Мен олиб келдимми, мен билан кетасан" дея дўқ урди. Ойлигимни сўрасам, чечен бола ўғирлаб қўйди деб баҳона қилди. Пулларимни ололмагач, минг истиҳола билан, ахир нима бўлганда ҳам улар менинг қариндошим, ариза беришга мажбур бўлдим. Чунки, бу пулларни топиш учун озмунча тер тўкмадим.

Судда жабрланувчилар Руслан Соипов, Равшан Иноғомов, Миршоҳид Пирназаров, Илҳом Ўринбоев ҳам кўрган-кечирганларини сўзлаб, судланувчиларга жазо тайинланишини сўрадилар. Жабрланувчиларнинг бу кўрсатмаларига Шоназаровлар нима дейишар экан?

Шомансур Шоназаров: "2002 йилда Москва шаҳридаги "Ден-инвест" қурилиш фирмасида ишга жойлашдим. Ойлик маош, яшаш шароитлари яхши бўлгани учун укаларим Шерзод ва Бунёдни ҳам ўзим билан олиб кетдим. Кейинчалик қишлоқ ва маҳалладошларимни ҳам ўзларининг илтимосларига кўра олиб кетдим.

Иш объектлари кенгайиб, ишчилар кўпайиб кетгани учун бир неча ой атрофи полиэтилен билан ўралган жойда яшашга тўғри келди, ўзим ҳам ишчилар билан ётишга мажбур бўлдим. Фирма томонидан ишчиларга ҳар куни нонуштага тухум, сариёғ, шакар, чой, нон, тушлик ва кечқурунги овқатга турли тансиқ таомлар тайёрланарди. Бироз вақт ўтиб, укам Бунёд бир гуруҳ ишчиларни олиб келди. Ўзи ҳам улар қатори оддий ишчи бўлиб ишлади. Биз ҳам ишчилар каби ҳақимизни ололмадик. Фирма давлат инқироз ёқасида эканини важ қилди. Устига-устак объектда иш ҳам ниҳояланмаган эди-да. Хуллас, "Ден-инвест" фирмаси бутунлай касодга учради. Ҳаммамиз пулсиз қолдик. Бироқ, укам Бунёднинг бу ишларга умуман алоқаси йўқ. У бирон марта ҳам келишувларда иштирок этмаган. Касал бўлишига қарамай, ишлади, ҳеч кимга тазйиқ ўтказмади".

Ўйланиб, қоласан киши, наҳот ўз холаваччасига раҳм қилмаган Шомансурда укасига нисбатан инсонга хос туйғулар уйғонган бўлса.

"Қишлоқдаги йигитларнинг баъзиларини ўзим пул тўлаб олиб кетганим, ишлаганларидан харажатларни ушлаб қолганимни тан оламан. Қолган айбларни тан олмайман, – гапида давом этди Шомансур Шоназаров. – Аммо қилмишимдан пушаймонман. Ишлаган корхонамиздан пулларни ундира олсам уларни, албатта, эгаларига қайтараман".

Суд ҳукмига кўра, Шомансур Шоназаров Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 135-моддаси 2-қисмининг "а, б, д, е, з, и" бандларида кўрсатилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилди. Унга 5 йилу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Бунёд Шоназаров эса 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Шунингдек, судланувчилардан жабрланувчи Баҳриддин Алматов, Равшан Турғунбоев, Руслан Соипов, Миршоҳид Пирназаров, Сардор Ҳакимов, Равшан Иноғомов фойдасига жами 79 миллион 139 минг 654 сўм моддий зарар ундириладиган бўлди.

**Сарвиноз ТЎРАЕВА.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 236-55-54.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Бекзод ҲИДОЯТОВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма J 6667. Адади 16 677. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Т белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.00.